




ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА СПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

АРЗИКУЛОВ Д.Н., ВАХАБОВА Д. Б.

Мақолада девиант хулқли болаларни спортга жалб қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари хусусида фикр юритилган бўлиб, унда жисмоний тарбия ва спорт тўғаракларига жалб этиш орқали уларни хулқидаги оғишларни профилактика қилиш имкониятлари қайд этилган.

ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА СПОРТ
ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

АРЗИКУЛОВ Д.Н., психология фанлари номзоди, доцент, ЎзДЖТИ, Тошкент
ВАХАБОВА Д. Б., ЎзДЖТИ, Тошкент

Аннотация

Мақолада девиант хулқли болаларни спортга жалб қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари хусусида фикр юритилган бўлиб, унда жисмоний тарбия ва спорт тўғарақларига жалб этиш орқали уларни хулқидаги оғишларни профилактика қилиш имкониятлари қайд этилган.

Аннотация

В статье излагаются психолого-педагогические аспекты привлечения детей с девиантным поведением к занятиям физической культуры и спорта, как способ профилактической работы.

Таянч сўзлар: девиант, девиант хулқ, хулқ, хулқдан оғиш, педагогик қаровсиз, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортга мослашув, ахлоқ, ахлоқий барқарорлик, спортга қизиқтириш, таъсир қилиш, ўзаро таъсир.

Ключевые слова: девиантность, поведение, девиантное поведение, отклоняющееся поведение от нормы, педагогическая запущенность, здоровый образ жизни, адаптация в спорте, мораль, нравы, нравственная устойчивость, интерес к спорту, влияние, взаимодействие.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, миллий ўйинларни қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар ва эришилаётган юксак натижалар мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатини маҳсулидир. «Жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш-тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан ва бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан,

тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир чоратадбирларни амалга ошириш»ни тақозо этади (1).

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача бу жараён давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишини таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, барча мамлакатларда бўлгани сингари бизнинг ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳам тарбияси қийин фарзандлар, яъни девиант (лот. *deviatio* – ҳулқини оғиши) ўсмирлар мавжуд бўлиб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва ёндашув талаб қилинади.

Ҳулқ атвори оғиши ёки девиант ҳулқ атворини юзага келтириши мулкин бўлган омилар қуйидаги жадвалди келтирилган.

Жадвал

Девиант ҳулқ-атвори юзага келтириши мумкин бўлган омиллар

Ижтимоий омиллар	Оилавий омиллар	Шахсий омиллар	Физиологик омиллар
–эркинлик ҳамда ижтимоий тартиб қоидаларидан қочиш; –қулай шароит қидириш, хиссий хотиржамлик; –ўз (мен)ига паст назар билан қараш, бошқаларга тобелик; – ота-она ҳулқ-атворида уялиш; –ижтимоий тартиб қоидаларини	–ота-она, катталар ва болалар ўртасидаги мулоқотдаги муаммолар; –болаларга катталар томонидан диққат-эътиборнинг етишмаслиги; –ота-оналар билан фарзандлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва икки томонлама интилишнинг етишмаслиги; –ота-оналарнинг ўғил ва қиз болаларга нисбатан кўпол муомалада бўлишлари; –кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-	–ўртоқлари, синфдошлари, бошқа тенгдошлари билан ўзаро алоқа; –ўз-ўзини тушунмаслик ва ўзига салбий муносабат; –ҳаётий йўналишлардаги орзу ва ҳаваслар; –ички руҳий ёлғизлик, ўзгаларни тушунмаслиги; –бахтсизликдан қийналиш, шахсий қийинчиликлар; –шахсий муваффақиятсизлик, муаммолардан ҳавотирга тушиш,	–агрессивлик, жаҳлдорлик, асабийлашиш ва руҳий зўриқиш; – боланинг кўп касал бўлиши; – кўзғалувчанликнинг кучайиши – ўз-ўзини бошқара олмаслик; – ўзлаштиришда ақлан қолиб кетиш; – ўқувчининг ақлан заифлашиши; – психофизио

бузиш; –хуқуқбузар лик, безорилик; –майда ўғирлик; –фоҳишалик; –гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш; – кам таъминланган лик, ота- оналарнинг ишсизлиги; –бола ҳаётида ижтимоий- иқтисодий томондан қийин вазиятларга тушиши; –жамият тузилмаси; –ижтимоий институтлар; –турмуш тарзи; –ижтимоий меъёрлар.	муҳаббатининг ҳукм суриши; –оила даврасида, муҳиtida доимий жанжалларнинг қарор топганлиги ва уларни бартараф этишга интилишнинг йўқлиги; –ота-оналарнинг беқарор ҳис-туйғулари, кайфиятлари, уларнинг тартибсиз, тасодифий характерга эга бўлиши; –фарзанд ва ота- оналарнинг шахсий қизиқишларини ўзаро мос тушмаслиги ва тубдан қарама-қарши эканлиги; –фарзандлар назарида ота-оналарнинг салбий хулқ-атвори, уларнинг ичиш ва чекишлари, гиёҳвандлиги ва интим қилиқлари; –ота-оналарнинг мунтазам равишда ўзаро жанжаллари; –нотўлиқ оилалар; –болалар қобилятининг катталар томонидан салбий баҳоланиши; –ота-оналарнинг маънавий ахлоқсизлиги.	иродасизлик; –ташкilotчи эмаслиги; –ўқишдаги қийинчилик, оғир вазиятларга учраш; –ҳиссий хавфсизлик “ҳимоя қилувчи”ни қидириш; –спиртли ичимлик ичиш ва жамоат жойида чекиш; –токсикомания; –мактаб қоидаларини бузиш, дарс қолдириш, уйга берилган вазифани бажармаслик; –мустақил бўлишга интилиш; –ўзгаларга тобе бўлмаслик; –ўзига ишончнинг етарли эмаслиги; –иродавий-ҳиссий жиҳатдан заифлиги; –ижтимоий хулқ-атвор кўникмасининг камлиги; –бўш вақтнинг тўғри ташкил қилинмаганлиги; –ўзига эътиборни хоҳлаши.	логик ва жинсий томондан бир хилда ривожланма- ганлик; – туғма хусусият лар; – туғма нуқсонлар – орттирилган нуқсонлар
--	---	--	--

Тарбияси қийин болалар деганда, педагогик қаровсиз, уларнинг хатти-харакати, хулқ-атворининг, жамият томонидан ҳамда умумбашарият томонидан қабул қилинган ахлоқ-одоб меъёрларини доимий тарзда бузиш билан тавсифланувчи болалар назарда тутилади. Тарбияси қийин болаларга эмоционал беқарор, тез кўзгалувчан ҳамда ижтимоий ҳаёт меъёрларини идрок қила олмайдиган, хулқий хатти-ҳаракатларидаги нуқсонлари мавжуд болалар ташкил қилар экан. Бундай болалар беқарор ахлоққа эга бўлиб нима мумкин ва нима мумкин эмаслигини билишади, яъни қатъийлик, сабоқ ва

иродавий сифатларнинг барқарор эмаслиги, уларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори кимнинг ортидан эргашаётганлигига боғлиқ бўлган ҳолда, бу болалар салбий таъсир доирасига тез берилувчандир.

Спорт бу ҳар бир мамлакат ва миллатнинг юзидир. Мамлакатимиз байроғи дунё олдида баланд ҳилпираб, мадҳиямиз янграганда, юртимизни дунё тан олади. Мамлакатимиз шаънини ҳимоя қила оладиган асл юрт фарзандларини тарбиялашда, спорт соҳасида ҳам ўзига хос ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни спорт соҳасига жалб қилиш, уларда спортга нисбатан ижобий мотивацияни уйғотиш ва асл юрт ҳимоячиларини тарбиялаш ҳар бир инсоннинг бурчига айланмоғи керак.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, миллий ўйинларни қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. “Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади”(2). Таъкидлаш жоизки, кўп поғонали ва уч босқичли “Умид ниҳоллари,” “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби оммавий спорт мусобақалари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда спорт соҳасида жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ишлар самараси ўлароқ, мамлакатимиз спортчилари халқаро тоифадаги мусобақаларда етакчилардан бўлиб иштирок этишмоқда ва дунё олдидаги ўз ўрнини юқори поғоналарга кўтармоқда. Зеро президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Ҳеч қайси бир соҳа, спортчалик мамлакатни дунёга танитмайди”(3). Ушбу сўзлардан кўриниб турибдики, ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлодни спортга жалб қилиш, ривожланган соҳалар сингари спортни ҳам юқори даражага кўтариш долзарб масалалардан бири десак муболаға бўлмайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирда ёшларимизнинг кўпчилиги бўш вақтини самарасиз ишларга ажратаётганлиги ва шунинг оқибатида жуда кўп кўнгилсиз воқеалар жумладан ҳар ҳил номақбул гуруҳларга кўшилиб қолиш, компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари ўрганиш ва бўш вақтларини унга сарфлаш ва энг ачинарлиси жинойт кўчасига кириб кетиши, жамиятимиз олдида турган муаммо ва эътибор тортадиган масалалардан биридир.

Мактаб психологи, ота-оналар, тренерлар девиант хулқ-атворли болаларни спорт фаолиятига жалб этишда асосан спорт турларининг хусусиятларини бола характер хусусиятларига мос равишда тавсия этишлари лозим. Бунинг учун қуйидаги спорт турларини шахс шаклланишига таъсир этувчи жиҳатларини билиш талаб этилади. Спорт турларига қуйидагилар кирази:

Енгил атлетика спорт тури боланинг жисмоний ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, унда юриш ва югуриш, сакраш, улоқтириш техникаларини ўзлаштириш орқали куч, чидамлилиқ, иродавий сифатларни ижобий шакллантиради.

Гимнастика ва бадий гимнастика спорт турлари (қиз болалар учун) шахс шаклланишида кўп қиррали воситадир. Унинг машқлари орқали жисмоний фазилатларни ривожлантириш, қоматни тўғри шакллантириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, иродавий сифатларни тарбиялаш, ҳаракатларни моҳирона, енгил ижро этишга ўргатиш каби вазифалар муваффақиятли ҳал этилади.

Сузиш спорт тури болани жисмоний ва психологик ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, инсондаги негатив ҳолатлардан ҳоли бўлишда, релаксатив хусусиятга эга бўлган спорт тури ҳисобланади. Сузиш орқали ўзига ишонч, танани онгли равишда бошқариш, мақсадга интилиш, иродавий зўр бериш, қийинчилиқни енгил каби хусусиятлар яхши шаклланади.

Ўғил болалар учун – яқка кураш спорт турлари инсонда мустақиллик, мардлик, жасурлик, матонат, чидам, таваккалчилик, ташаббускорлик ва иродавий зўр бериш каби сифатларни ҳамда оддий ва мураккаб реакциялар тезлигини оширади.

Яқкакураш спорт турларини нормал болалар каби ҳуққи оғишган болалар учун ҳам тавсия этиш мумкин. Фақат бу ўринда кураш бўйича тренер айна ўқувчи билан кўпроқ индивидуал тарзда ишлаши зарур. Чунки бу спорт турида жисмоний куч, техник ва тактик тайёргарлик инсонда таваккалчилик ва аргессивлик ҳолатини кучайтириш эҳтимоли бор бўлган спорт тури ҳисобланади. Маълумки, ҳуққи оғишган болаларда ҳам агрессия ва таваккалчилик бошқа шахс сифатларига қараганда устунлик қилади. Айна шу сабабли ҳам бу тоифа болаларга миллий кураш турлари орқали ўзидаги агрессия ва таваккалчилик ҳамда фрустрацион ҳолатлардан спорт мусобақаси ва спорт беллашув машғулотлари орқали меъёрлаштиришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Спорт ўйинлари жумладан, волейбол ўйинининг моҳияти, жумладан техник-тактик ҳаракатларининг ижро этилиши аксарият “ҳавода”, яъни таянчсиз ҳолатда амалга оширилиши билан фарқланади. Сакраб зарба бериш, тўсиқ қўйиш, тўп узатиш, йиқилиб тўп қабул қилиш, тўп киритиш бунга яққол мисол бўла олади. Сўнгги йилларда ўйин қоидаларининг кескин тизимида олиб борилиши, “либеро” *[(итал. Libero — эркин) волейболда — фақат ҳимоя функциясини бажарувчи, команда составидаги махсус ўйинчи]* ўйинчисининг жорий этилиши, ўйинчи алмашинувининг тўғридан тўғри амалга оширилиши, тўрнинг пастки қисмига тегишга рухсат берилиши ва ҳоказо ўйин суръатини янада жадаллаштиришга олиб келди(4). Мутахассислар томонидан аниқланганки, ҳар бир мусобақа ўйинида волейболчилар 300-600 марта, ҳатто ундан кўп сакраб ижро этадиган техник-тактик малакаларни бажарар эканлар. Агар ўйиндан олдинги “разминка”

давомидаги сакрашлар, ўйин вазиятларида тўпсиз ижро этиладиган чалғитувчи сакрашлар эътиборга олинса, қайд этилган сакрашлар ҳажми назарда тутилса, замонавий волейболда юксак натижага эришиш қанчалик жисмоний имкониятларга боғлиқ эканлиги аён бўлади. Демак, жисмоний тайёргарлик техник-тактик тайёргарлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, юксак спорт маҳоратини таъминланишида пойдевор сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан кўриниб турибдики, мазкур жисмоний ҳаракатлар шахс структурасида баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, теннис каби спорт ўйинларининг турлари орқали бола организмнинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши ва унинг функционал имкониятларининг ошиши ҳамда жисмоний сифатлар ривожланиши билан бирга қуйидаги индивидуал психологик хусусият ва иродавий сифатларни, яъни ўз-ўзини англаш, жамоадошларини ҳаракатини англаш ва тушуниш, эгилувчанлик, тезкорлик, чاقқонлик, чидамлилиқ, тартиблилик, объектив (рақибни ҳужуми, алдаб ўтиш, рақибга чап бериш ва ҳ.к.) ва субъектив (ўз танасини бошқариш, муваффақиятга интилишдаги тўсиқларни ва ҳ.к.) қийинчиликларни енгишга, ўзини қўлга олиш ва бошқариш, иродавий зўр бериш кабилар яхши шаклланади.

Спорт ўйинлари орқали ҳулқи оғишган болалар ҳулқини коррекциялаш яхши натижа беради. Чунки, бу спорт турлари болада нафақат ўз майлларини, манфаатини, балки жамоа ва жамоа аъзоларининг манфаати ва обрўсини ҳимоя қилиш каби буюк мақсадга интилиш ҳисси ўйғонади.

Спорт турлари билан шуғулланиш орқали девиант ҳулқ-атворли болаларда:

- ўзини ижобий томондан намоён қилиш имконияти яратилади;
- ўсмирнинг ички руҳий ҳолатини: мақсади, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, ўз-ўзига ишончи, иродавий-ҳиссий ўзини бошқаришни тартибга солиш эҳтимоли ортади;
- ўсмирда ҳаётга инсоний ёндашиш, бошқаларга ижобий муносабатда бўлиш, ўзидан зифларга нисбатан раҳм-шавқат, ҳимоячи образини шакллантиришга эришиш осонлашади;
- мақсадга эришишда тренер ва жамоадошлари маслаҳатига қулоқ солиш, муайян тренировкаларни ўз вақтида режа асосида бажариш орқали тартиблилик шаклланади;
- спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш жисмоний ва психологик қийинчиликни бартараф этади ҳамда ўзида иродани мустаҳкамлайди ва ижобий ижтимоий-шахсий фазилатларни ҳосил қилишга интилиш пайдо бўлади;
- спортга жалб этишда психологик маслаҳат ва психологик хизматни тўғри ташкил этиш, болаларни спорт соҳасида обрўли бўлган тренерларга йўллаш уларда “Ижобий идеал”ларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчилардаги психологик хусусиятларни ривожланишининг ўзига хос томонлари ва улар ўртасида салбий одатларни олдини олиш ва бошқа масалалар доирасида умумтаълим мактаблари амалиётчи психологлари томонидан қатор тадбирлар, яъни психотренинг ва психокоррекцион ишлар олиб борилади.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Жамоа аъзолари бундай ўқувчининг қарашларини вақти-вақти билан ҳисобга олишлари яхши натижа бериши мумкин.

Ўқувчининг фикр ва қизиқишларини жамоанинг қўллаб қувватламаслиги ёки бепарволиги уни ҳуқуқбузарликка ундайди ва салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада бола учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилиб, ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва тенгдошлари фаолиятига боғлашдан кўра, янги “дўстлари” билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Бунинг натижасида ўсмир референт гуруҳларга *[референт гуруҳ – муҳим аҳамиятга эга бўлган кимнингдир қарашларини, фикр-мулоҳазаларини қабул қиладиган ўсмир учун муҳим ўрин тутувчи гуруҳдир]* тушиб қолади ва улар ўсмирнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир этадилар. Бундан ташқари, оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам девиант хулқли ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли бола ноҳуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди.

Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради. Бундан ташқари, ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишлари ҳам боланинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади(5). Кўпинча, ўқувчилардаги девиант хулқ оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади.

Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Хатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларининг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинган ҳолда унга амал қилмаслик.

3. Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади. Ўзлари тўғри деб қабул қилган “ахлоқ нормалари”ни оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4. Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг хуққ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилиқ кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажовузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган “ахлоқий меъёрлар” билан ўлчайдилар, натижада жинойтга қўл урадилар.

Бола шахси ривожланишига даҳилдор бўлган мутасаддилар аввало болаларнинг оилавий аҳволини ўрганиш, мактаб билан ота-она ўртасида узвий алоқани ўрнатиш, фан ўқитувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш, ўқувчининг дарсга қатнашини кузатиш, дарсдан ташқари фаолиятини назорат қилиш, жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш, турли савол-жавоблар ўтказиш орқали девиант хуққли болалар билан ишлаш дастури ва режаларини белгилаб олиши лозим.

Бундан ташқари мутасаддилар ҳамкорликда боланинг тиббий варақаси билан ҳам танишиб чиқиши керак бўлади. Агар бола соғлом ривожланган бўлса-ю, мактаб ва оила тарбиясига бўйсунмаса, бундай вазиятларда психолог ёрдамга келиши ва аввало бола билан суҳбатлашиб, нима учун унинг хуққида бундай ўзгаришнинг юзага келганлиги, кўча таъсирига берилиши, салбий норасмий гуруҳларга аъзо бўлиб қолиши, дарсни сабабсиз қолдириши, паст ўзлашириши, жамоат ишларида қатнашмаслик сабабларини аниқлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муайян спорт тури билан мунтазам шуғулланиш болада қўрқув, тортиниш, умидсизлик ҳолатларидан холи бўлишда бола учун одатий психологик ҳолатни (руҳий тушкунлик вазиятигача бўлган ҳолат) тиклашга ўзида ишонч ҳосил қилишга ҳамда унинг ички ресурсларидан ижобий фойдаланишга имкон яратади, шунингдек, уларда иродавий сифатларини спорт турига қараб, мақсадга интилиш, мустақиллик, ташаббускорлик, мардлик, жасурлик, қийин вазиятларда ўзини қўлга олиш, муайян қийинчиликларни енгиб ўтиш каби психологик хусусиятларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўсмир ёшидаги болаларни спортга мослашувини таъминлаш, қизиқтириш ва ижобий шаклланиш муаммосини психологик жиҳатдан таҳлил қилишимизда, бир қатор тавсия ва хулосалар чиқаришимизга олиб келди:

- ўсмирларни спортга қизиқтириш ва шу орқали шакллантириш жараёнида психологик билимлар кенг қамровли аҳамият касб этганлиги боис, уларда алоҳида бир йўналиш, яъни янги ижтимоий муҳитга мослашув ва шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларининг ўрни очиб берилди;

- ўсмир ёшидаги спортчи болаларнинг спортга қизиқтиришни психологик, физиологик, педагогик, ҳуқуқий, фалсафий жиҳатдан илмий ёндошилгандагина улардан яхши натижа олиш мумкин;

- ўсмир ёшидаги спортчи болаларнинг спортга қизиқтириш ва қолаверса ҳар бир шахснинг маълум бир ўзи фаолият олиб бораётган жамоага

мослашув жараёни содир бўладики, уларни таҳлил қилишда психологик билимлардан фойдаланиш ўринли;

- ўсмир ёшидаги спортчи болаларнинг спортга қизиқиши жараёнини таъминлаш психологлар ва шу соҳа мутахассислари олдидаги аҳамиятли масала саналади. Чунки мослашув жараёнининг тез ва ижобий бўлиши учун психологик муҳит муҳим рол ўйнайди. Психологик муҳитни таъминлашда мураббийлар ва психологлар ўрни муҳим аҳамият касб этади. Психологик муҳит доимий равишда жамоа аъзоларининг кайфиятига ижобий таъсири уларнинг спорт фаолиятига, эмоционал ва ишлаш қобилиятини юқори бўлиши билан машғулотларини олиб боришга замин яратади. Меъёрга психологик муҳит мураббий ва спортчи ўртасида, спортчи билан спортчи ўртасида муносабатларни мувофиқлашувини таъминлайди;

- кўп жихатдан спортга мослашув шахсларнинг хусусан ўзларига боғлиқ. Бундай мослашув малакасини ўзлаштиришда спортчи шахсини ўз имкониятларини ичдан бошқариш тўғрисидаги психологик билимлар ёрдам беради;

- мослашув жараёнини ўрганишга бағишланган психологик воситалар жамоадаги психологик ва ижтимоий психологик муҳитни, ўсмир ёшидаги спортчиларнинг спорт муҳити мослашувига мойиллиги, ушбу жараённинг ижобий кечишини бошқариш лаёқати. Мослашув жараёнини таъминлашда вазиятларни диагностика қилиш анча самарали хол саналади;

- ўсмир ёшидаги спортчи болаларнинг спортга мослашувида ва шу орқали шахсий шаклланишида шахснинг темпераменти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқодларимиз натижалари шуни кўрсатдики, холерик ва сангвиник типдаги темпераментли спортчи ўсмирларда мослашув жараёни психологик муҳитга қараб тез ва ижобий бўлиши мумкин. Меланхолик ва флегматик темпераментли спортчи ўсмирларда спорт жамоасига мослашув жараёни сангвиник ва холерик типдагиларга нисбатан сустроқ кечади;

- ўсмир ёшидаги спортчи болаларнинг спортга қизиқиши ва шаклланиш жараёнини ижобий тарзда тезлаштириш ва бу жараёнга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этишда психологик билимлардан фойдаланиш асосий воситалардан бири саналади. Бунда спорт жамоасининг мураббий ва спортчилари мослашувнинг тузилмалари, функциялари, типлари ва хусусиятларини ифодаловчи психологик билимлар билан қуролланган бўлишлари шарт. Бу тоифадаги билимлар спортга қизиқиш ва ижобий шаклланиш жараёнининг тез ва осон бўлишини таъминлаш имконини беради.

Адабиётлар

1. «Баркамол авлод йили» давлат дастури. Т.: «Ўзбекистон» 2010. 80 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т. Ўзбекистон, 2008. 173 б.
3. Karimov I.A. Jahon inqirozi oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modrenizasiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko'tarish sari. T.: "O'zbekiston": 2010 – T.18. 264 b.
4. Ayropetyans L.R., Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslibiyati. T: Fan va texnologiya. 2012 -206 b.
5. Алимов Х., Азимова Ф. Болалар тарбияси бўйича саволларга - жавоблар (Ота-оналарга тавсиялар). – Т.: Фан ва технология, 2013. – 48 б.